# Тошкент оқшоми

2013 йил 23 сентябрь, душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 191 (12.502)

Баҳоси эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардошли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишга кўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри software.uz Интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизида яратилади;

Миллий реестр электрон шаклда он-лайн режимида юритилади;

ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

2. Қуйидагилар Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқболли лойиҳаларни ҳамда инновацион компьютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш;

миллий дастурий маҳсулотларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорининг ҳолати ва салоҳияти тўғрисида ахборот бериш;

ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган, сифатли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларининг манфаатларини ифодалаш, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишда кўмак бериш.

3. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини шакллантириш, юритиш ва янада ривожлантириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси зиммасига юклансин.

4. Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар муддатда:

барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мазкур қарор 4-бандининг 2-хатбошида назарда тутилган солиқ имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар Миллий реестрга киритилган юридик шахслар – дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг ходимларини рағбатлантириш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилади;

Миллий реестрга киритилган юридик шахслар – дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун ушбу қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, 2 йилга узайтирилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли Фармонининг амал қилиши Миллий реестрга киритилган юридик шахслар – дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларига, агар улар хонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлсалар, татбиқ этилсин;

юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича янги технология ускуналарини харид қилиш чоғида солиққа тортиладиган базани камайтиришга доир амалдаги тартиб республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурига киритиладиган ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар микдорига жорий қилинсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Миллий реестрга киритилган юридик шахслар – дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда хизматларни Интернет тармоғининг он-лайн дўконлари орқали экспорт шартномаси мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ташқи савдо операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 20 сентябрь*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### «ТОШКЕНТ-ТОЛА»:
## ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

***Жорий йилнинг 16-17 октябрь кунлари пойтахтимизда IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.***

Толаси сифати юқори бўлган Ўзбекистон пахтасига хорижлик харидорларнинг қизиқиши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбек пахтасининг нуфузи ҳамда экспорт салоҳиятини янада оширишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси муҳим омил бўлаётир. Мазкур халқаро тадбир маҳсулотни харидорга тўғридан-тўғри етказиб бериш механизмини янада эркинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, пахта хомашёсини етиштириш ва экспорт қилиш тармоғида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар самарасида ғўза парваришидан то уни толага айлантириш ва экспортга чиқаришгача бўлган барча жараёнларда замонавий усул ҳамда техникадан самарали фойдаланилмоқда. Пахтакорларнинг меҳнати кенг қадр топиб, фермерлар етиштираётган юқори сифатли тола узунлиги, пишиқлиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари хорижлик харидорлар томонидан юксак баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июнда қабул қилинган «Ишлаб чиқарилган ва сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори барча хизмат турларига эга ҳамда маҳсулотни сифатли сақлаш ва жўнатишни таъминлайдиган минтақавий терминаллар фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётир.

*(Давоми 2-бетда)*

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУД

**Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Қозоғистон илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, таҳлилий марказларининг экспертлари, ташқи ишлар вазирликлари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган қатор хорижий давлатлар дипломатик миссияларининг раҳбарлари иштирок этди.

Ушбу давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги ташаббус илгари сурилганининг 20 йиллиги ва Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланган санага бағишланди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг профессори Н.Тўлаганова ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги халқаро тажрибани пухта ўрганиш асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг мазкур ташаббуси глобал хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг деярли барчаси томонидан, шунингдек, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманганда «Келажак овози – 2013» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Кўрик якунларига кўра, 45 нафар йигит-қиз ғолиб деб топилиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Тадбир доирасида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди.**

**• Қўқон шаҳрида «Тинчлик ва омонлик – фаровонлик кафолати» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият тарғибот марказининг шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, олимлар, ижодкорлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.**

**• Навоий вилоятидаги «Бахттекстиль» қўшма корхонаси негизида газлама ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Форт про импекс» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 50 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчилари ишга жойлашган янги цехда ишчи-ходимларга қулай имкониятлар яратиш мақсадида иш икки навбатда уюштирилган бўлиб, улар учун махсус транспорт қатнови ҳам йўлга қўйилган.**

**• Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган аёллар, касб-ҳунар коллежини битирган қизлар иштирок этди.**

**• Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Кўнғирот сода заводи қошида тикувчилик корхонаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳа шарофати билан «Элобод» шаҳарчасида истиқомат қилувчи 40 нафар хотин-қизнинг иш билан бандлиги таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Япониянинг Хонсю оролининг Фукусима музофоти ҳудудида 5,8 магнитудали зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши, шунингдек мамлакатнинг шимоли-шарқидаги қўшни музофотлар ҳудудида ҳам сезилди.**

**• АҚШдаги Колорадо университетининг тиббиёт мактаби мутахассислари ўтказган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, одамларнинг семириш сабаблари танада ишлаб чиқариладиган фруктоза билан боғлиқ экан.**

**• Хорватиянинг Дубровник шаҳрида ўтказилган УЕФАнинг навбатдаги йиғилишида барча 54 та Европа футбол уюшмалари Қатарда 2022 йилда ташкил этиладиган жаҳон чемпионатини қишки вақтга ўтказиш тўғрисида овоз бердилар. Бунда чемпионатни 2022 йилнинг январь ёхуд ноябрь, декабрь ойларида ўтказиш тўғрисида таклифлар билдирилди. ФИФА вице-президенти Жим Боис халқаро футбол федерацияси ушбу масаланинг Цюрихда 3 октябрда ўтказиладиган конгрессда кўриб чиқилишини таъкидлади.**

## «ТОШКЕНТ-ТОЛА»: ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳозир юртимизда етиштирилган толани харидорларга пешма-пеш етказиб беришни йўлга қўйишга ихтисослашган 22 минтақавий пахта терминали фаолият юритмоқда. Улар 410 минг тоннадан зиёд пахтани қабул қилиш ва сақлаш имконига эга. «Тошкент-Тола» терминали – уларнинг энг йириги. Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган мазкур терминал Тошкент вилоятининг тўққизта пахта тозалаш заводи ҳамда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятида тайёрланган толани «Ўзсаноатмашимпекс», «Ўзмарказимпекс», «Ўзинтеримпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ички истеъмолчилар ҳамда хорижлик харидорларга етказиб бермоқда.

Бу ерда кунига минг тоннагача толани қабул қилиш имкони мавжуд. Шу билан бирга, терминалдан бир кунда минг тоннадан ортиқ толани экспорт қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Корхонада толани юклаш ва ташиш ишлари замонавий автоюклагичлар ҳамда ўнга яқин «Мерседес-Бенц» автопоездлари ёрдамида белгиланган манзилга ўз вақтида етказиб берилаётгани харидорлар ишини енгиллаштирмоқда.

– 2012 йилда етиштирилган пахта ҳосилидан 167 минг тонна пахта толаси қабул қилиниб, харидорларга етказиб берилди, – дейди «Тошкент-Тола» минтақавий пахта терминали директори Рашид Умархўжаев. – Харидорларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, маҳсулот билан танишишни енгиллаштириш мақсадида 2007 йилдан эркин омбор тизимини ташкил этдик. Харидор сотиб олган хомашё, унинг хоҳишига кўра, то олиб кетилгунча мазкур омборларда сақлаб турилиши мумкин.

Айни вақтда харидорлар бир йўла 45 минг тоннадан кўпроқ толани сақлаш имкониятига эга етти омбордаги пахта толаси намунасини кўриб, далолатнома тузиш имконига эга. Корхонада Ўзбекистон «Сифат» пахта толасини сертификатлаш марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пунктининг ташкил этилгани олди-сотди шартномасини қисқа вақтда расмийлаштириш имконини бермоқда. Экспортга жўнатиладиган пахта толаси ҳақидаги барча маълумотлар тезкорлик билан ташқи савдо компанияларига етказилади.

Юзга яқин ишчи меҳнат қилаётган «Тошкент-Тола» терминалининг ISO-9001 сифат сертификатига эга бўлгани корхонанинг ташқи ва ички бозордаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 августда қабул қилинган «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этаётир.

«Тошкент-Тола» терминалида 16-17 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Омборлар таъмирланиб, пахта хомашёсини намойиш қилиш ва сотиш учун янада қулайроқ шароит яратилаётир. Ушбу анъанавий ярмарканинг энг қулай вақт – пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайтда ташкил этилиши ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун бирдек манфаатлидир.



Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУД

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давра суҳбати иштирокчилари Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги роли ва аҳамиятига юксак баҳо бердилар. Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б.Жексембиннинг таъкидлашича, минтақа давлатлари ушбу шартномани имзолаб, ядро қуролини тарқатмасликка оид халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига қатъий риоя қилиш тарафдори эканини билдирди. Элчининг фикрича, Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақада оммавий қирғин қуролларини қисқартириш ва ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди. Бу эса икки мамлакатнинг глобал миқёсда ядровий қуролсизланиш соҳасидаги замонавий ва долзарб муаммоларга қарашлари бир-бирига мослигидан далолатдир.

Экспертлар жаҳонда ядро қуролини тарқатмаслик режимига оид бугунги энг муҳим омиллар билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги хавф ва таҳдидларга бағишланган конструктив мунозаралар чоғида ядровий технологиялар ва материалларни ноқонуний кўчириш, уларнинг нодавлат субъектлар қўлига тушиб қолиши, ҳудудларнинг радиоактив заҳарланишининг олдини олишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ўзбекистон ўзини келажак авлодларга тинч ва барқарор тараққиётни кафолатлайдиган, ядро қуролини тарқатмасликнинг универсал, очиқ ва адолатли тизимини шакллантиришнинг қатъий ва изчил тарафдори сифатида намоён қилганлигини алоҳида таъкидладилар. Экспертлар қайд этганидек, Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати, шу жумладан ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш борасидаги аниқ саъй-ҳаракатлари, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг жаҳонда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасидир.

Тадбирда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома ва Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани самарали амалга ошириш борасида Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини мустаҳкамлаш истиқболлари хусусида ҳам фикр алмашилди. Қозоғистон стратегик тадқиқотлар институти вакилларининг таъкидлашича, замонавий таҳдид ва хавфларга қарши кураш борасида мунтазам маслаҳатлашувлар ва амалий ҳамкорлик бўйича яхши тажриба тўпланган. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Марказий Осиё давлатларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигига оид қарашлари бир-бирига мос.

Минтақавий хавфсизлик соҳасида давлатлараро ҳамкорлик жадал ривожланаётганлигини қайд этган экспертлар муҳокама қилинган масалалар бўйича бўлиб ўтган батафсил ва амалий мулоқотлар ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончга асосланган Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Ислоҳотлар оқимида**

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Хорижий сармоя ва хусусий тадбиркорликда қонунчилик имтиёзлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

— Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши натижасида, ҳозирда соҳада рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг ўринбосари Анвар Усмонов. — Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширишлар сони тубдан қисқартирилди, топшириладиган ҳисобот турлари камайтирилди. Натижада кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улушининг йилдан йилга сезиларли даражада ошишига эришилмоқда.

Президентимизнинг ўтган йилнинг 16 июлида қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 18 июлда имзоланган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Жумладан, статистик, солиқ ва бошқа ҳисоботларнинг бир қанча турлари бекор қилинди ва умумий миқдори камайтирилди. Рухсат беришга оид 80 тартиб-таомил ва 15 фаолият турининг лицензияланиши бекор қилинди.

Анжуманда, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан бир қаторда, уларнинг амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши ҳақида ҳам маълумот берилди. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб тегишли идораларга 898 та тақдимнома, 1054 та огоҳнома ва кўрсатма киритилди. Натижада минг нафарга яқин мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, 29 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга жами 12 миллиард сўмлик 736 даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, ўтган йилда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги тадбиркорлик фаолияти кафолатлари доирасини янада кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Матбуот анжуманида журналистларга ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга қаратилган қонунчилик ва унда белгиланган кафолат ҳамда имтиёзлар юзасидан кўргазмали воситалар мисолида атрофлича маълумот берилди. Тадбирда иштирок этганлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Пойтахтимизда ресурс ва энергия тежамкор, экологик зарарсиз композицион материаллар яратиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди.***

## ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси, Фанлар академиясининг «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Умумий ва ноорганик кимё институти, Материалшунослик институти, «Kompozit» илмий-техник маркази ва бир қатор университет ва институтлар томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, илм-фан муассасалари вакиллари, олим ва мутахассислар, хорижий экспертлар иштирок этди.

Конференциянинг очилишида «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги С.Неъматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фанни ривожлантириш, инновация фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун дунёда нанотехнология жадал ривожланмоқда. Ушбу йўналишдаги илмий ихтиролар иқтисодиёт, тиббиёт, биология, экология, авиация, радиоэлектроника каби кўплаб соҳаларда юқори самарадорлик ва тежамкорликка эришишга хизмат қилмоқда. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси самарасида ушбу соҳа мамлакатимизда ҳам изчил тараққий этмоқда.

Мазкур халқаро конференцияни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам янги композицион ва нанокомпозицион материаллар хусусиятларини ҳамда уларни яратиш технологиясини ўрганиш, бу борадаги тадқиқотлар натижалари ва уларни саноатга жорий этиш масалалари юзасидан фикр алмашишдан иборатдир.

– Корхонамизда айни пайтда элликдан зиёд илмий лойиҳа, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар устида фаол иш олиб борилмоқда, – деди «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси лабораторияси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Юсуфбеков. – Хусусан, маҳаллий хомашё асосида нефть-газ қудуқларини бурғилаш жараёнида зарур бўлган кимёвий реогентлар яратилди. Саноат корхоналаридан чиқадиган заҳарли газ ва оқава сувларни тозалаш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда.

– Конференцияда «Ишлаб чиқариш саноати чиқиндилари – композицион материалшуносликда ресурс тежамкорлигининг замонавий стратегиясини амалга ошириш омили» мавзусида маъруза қилдим, – деди ЎзА мухбирига Янка Купала номидаги Гродно давлат университети профессори Василий Струк (Беларусь). – Ўзбекистоннинг етук олимлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари томонидан амалга оширилаётган кўплаб илмий лойиҳалар билан танишдим. Университетимиз Ўзбекистоннинг илмий муассасалари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бу борадаги илмий ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Конференцияда энергия тежамкор, экологик зарарсиз композицион материалларни ишлаб чиқариш, саноат тармоқларига инновацион технологияларни жорий этиш, нанотехнологияларни ривожлантиришга оид маърузалар тингланди.

**Ирода УМАРОВА**

## АВТОМОБИЛДА ТАШУВЧИЛАР УЧУН СЕМИНАРЛАР

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида аҳолига автотранспорт хизматлари кўрсатувчи корхоналарнинг ишчи-ходимлари учун ташувлар хавфсизлигини таъминлаш, кадрлар сиёсатини такомиллаштириш ва соҳада кичик бизнесни ривожлантириш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан ташкил этилди.***

Семинар-йиғилишда вазирлик ва идоралар, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари мутахассислари, автотранспорт корхоналари раҳбарлари, ҳисобчилари ҳамда хавфсизлик бўйича мутахассислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз бўйлаб қатор йиллар давомида ўтказиб келинаётган бу семинарлар жорий йилда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди. Семинарлар давомида автоташувчилар янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, мутахассислардан қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олиш имконига эга бўлдилар.

Бу йилги семинар давомида ташкилотчилар ташувлар хавфсизлигини таъминлаш, кадрлар сиёсатини такомиллаштириш ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, иштирокчилар 2009 йилнинг 16 апрелидан кучга кирган Автомобилда ташувчи эксплуатация хизмати ва техник хизмати тўғрисидаги Низом нормалари ҳамда Кичик бизнес субъектлари томонидан ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисоботлар тайёрлашнинг соддалаштирилган тартибининг янги таҳрири билан батафсил таништирилди.

Семинар-йиғилиш кун тартибидаги асосий масала 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлашга бағишланди. Бугунги кунда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан мазкур қонун асосида автотранспорт воситаларига эга бўлган корхона ва ташкилотлар масъулиятини кучайтириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини юксалтиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

**(ЎзА)**

**«Камолот»**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

***Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида «Оммавий маданиятнинг салбий оқибатлари ва унинг олдини олиш» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбирда «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар ҳамда Яккасарой туман Кенгашлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси, олий мактаб ходимлари иштирок этишди.

Ушбу давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, олий мактаб ёшларига «оммавий маданият» деб номланувчи ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик тушунчаларини сингдиришга уринишлар амалга оширилаётганлиги, мамлакатимиз ёшларини ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири эканлигини тушунтириш, оммавий таҳдидларнинг неча асрлар давомида эъзозланиб келаётган қадриятларимизни топтаётган салбий омиллардан эканлигини ёшлар онгига сингдиришдан иборат.

Давра суҳбати давомида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг «Маънавий-маърифий лойиҳалар» бўлими мутахассиси Н. Шокирхўжаева сўзга чиқиб, оммавий таҳдидлар ҳамда ахборот хуружларига қарши курашиш ва ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари тўғрисида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яккасарой туман бўлинмаси мутахассиси Г. Жўраева маънавий таҳдидларнинг асл қиёфасини очиб бериш, уларнинг замирига етиб бориш ҳамда ёшларда уларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш кераклиги, бугунги кунда ёшларимизга оммавий маданиятнинг зарарли таъсирлари ҳақида ўз вақтида керакли маълумотлар етказиб бериш устувор вазифаларимиздан бири эканлиги тўғрисида фикр юритди.

Қизғин мунозараларга бой тарзда ўтган давра суҳбати сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**




***Атроф-муҳитнинг ўзгариши ва иқтисодий ривожланиш алоҳида-алоҳида муаммолар эмас. Атроф-муҳит ҳолати ёмонлашган шароитда барқарор иқтисодий ривожланишга эришиб бўлмайди; табиий муҳит эса уни ифлослантирганлик учун жарималар ва тўловларни орттириш йўли билан ҳимоя қилинмайди. Бу муаммолар турли ташкилотлар ва сиёсатчилар томонидан алоҳида-алоҳида кўриб чиқилмаслиги зарур. Улар сабаб – оқибат алоқаси билан боғлангандир.***

## Давлат экологик экспертизаси

# ТАБИАТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Барқарор тараққиёт уч таркибий қисми – табиат, жамият ва иқтисодиётнинг мувозанатли ва биргаликдаги тараққиётини талаб этади. Шундай экан жамиятда турли лойиҳаларни амалга оширишда режалаштирилаётган фаолиятнинг атроф-табиий муҳитга, инсоният, ҳайвонот ва ўсимлик оламига, умумий айтганда экотизимга салбий таъсирларини олдиндан аниқлаш лозимдир. Шу сабабли атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишни бошқариш соҳасида давлат сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири, бу — экологик экспертиза саналади. Экологик экспертиза белгиланаётган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг атроф-табиий муҳитга ва табиий ресурсларга эҳтимолий салбий таъсирларининг даражасини баҳолаш бўлиб, ушбу фаолиятнинг атроф-табиий муҳитга номувофиқ салбий таъсирларининг ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий ва ўзга турдаги оқибатларнинг олдини олиш мақсадларида амалга оширилади.

Экологик экспертиза ўтказишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш; режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хилдаги фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлашдан иборатдир.

Давлат экология экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига асосан давлат дастурлари, концепциялар, ишлаб чиқариш кучларини, иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини жойлаштириш ҳамда ривожлантириш схемаларининг лойиҳалари; барча турдаги қурилишлар учун ер участкаларини ажратиш материаллари; лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари; табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ, хўжалик ва бошқа хил фаолиятни тартибга солувчи норматив-техник ва йўриқнома-услубий ҳужжатларнинг лойиҳалари; техника, технология, материаллар, моддалар, маҳсулотларнинг янги турларини яратишга доир ҳужжатлар; атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар; кейинчалик уларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, фавқулодда экологик вазият ва экологик офат зоналари мақомини бериш мақсадида ўтказилган ҳудудларни комплекс текшириш материаллари; шаҳарсозлик ҳужжатларининг барча турлари; махсус ҳуқуқий режимли объектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мажбурийдир. Давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек уларнинг рўёбга чиқарилиши тақиқланади.

Давлат экологик экспертизасининг давлат экологик экспертизаси объектини рўёбга чиқариш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси бўлган тақдирда, буюртмачи хулосадаги мавжуд таклифларга мувофиқ лойиҳа маромига етказилишини таъминлаши ҳамда материалларни давлат экологик экспертизаси учун қайта тақдим этиши ёхуд режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятдан воз кечиши шарт.

Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида экологик экспертизани амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги ва «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида»ги Низоми ва бошқа қонунлар, қонуности ҳужжатлари билан белгиланади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Н.УМАРОВА,**
**Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳуқуқшуноси**



# ОЗОН ҚАТЛАМИНИ АСРАШ — БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

***Бугунги кунда экология билан боғлиқ бўлган энг долзарб муаммолардан бири атмосферада мавжуд бўлган озон қатламининг емирилишидир. Ҳозирда содир бўлиб турган иқлимий ўзгаришлар, одамларда иммунитетнинг пасайиши, кўплаб касалликларнинг пайдо бўлишини ҳам айнан шу ҳодиса билан боғлаш мумкин. Шунинг учун ҳар йил 16 сентябрда бутун дунёда, жумладан республикамизда ҳам Ернинг озон қатламини ҳимоя қилиш Халқаро куни кенг нишонланади. Шу муносабат билан шаҳримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактабларда озон қатлами емирилишининг олдини олишга бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилди.***

Хўш, озон қатлами нима ўзи? Биз уни нима учун ҳимоя қилишимиз керак деган саволларнинг туғилиши табиий.

Озон — газсимон ўзига хос ҳидли модда бўлиб, у момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чаққанда, лаборатория шароитида паст электр зарядланишида ёки ультрабинафша нурларининг кислородга таъсири натижасида ҳосил бўлади.

Сайёрамизнинг ҳаво қобиғидаги кислороддан доимий равишда озон пайдо бўлиб туради. Атмосферанинг юқори қатламлари озон пайдо бўлиши учун табиий макон ҳисобланади. Шу ерда ўткир ультрабинафша нурланиши таъсирида икки атомли кислород молекуласи парчаланади ва ажралган атомлар уч атомли озон молекуласини ҳосил қилади. Бу молекула ноёб хусусиятга эгадир. У атроф-муҳит ва тирик организмлар учун зарарли бўлган қуёшнинг ультрабинафша нурларини ютади. Аниқроқ қилиб айтганда у тирик организмларга салбий таъсир этувчи қуёшнинг ультрабинафша энергиясини ўзига ютиб, Ердаги ҳаётни ҳимоя қилади.

Турмуш тарзимизда озон қатламини емирувчи моддалар бўлиб, уларга таркибида хлор, фтор, бром, углерод ва водород каби моддалар бўлган углеводородлар синфига тааллуқли кимёвий бирикмалар киради. Масалан, шундай моддалардан бири бромли метил бўлиб, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида учрайдиган зарарли ҳашаротларини қирувчи восита сифатида ишлатилади.

Галонлар, яъни ўт ўчириш воситалари. Уларнинг таркибида углерод ва галогенлар кимёвий бирикмалар мавжуд бўлиб, улар озон қатлами учун хавфли моддалар саналади. Тетрахлоруглеродлар – суюқ моддалар бўлиб, улар лабораторияларда ва саноат ишлаб чиқаришида эритувчи восита сифатида ишлатилади. Аэрозоллар – биз анчадан бери уларни ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фойдаланиб келамиз. Масалан, аэрозолларга дезодорант, соч лаки, ҳашаротларни ҳайдайдиган, гигиеник ҳамда косметик пуркагичли воситалар киради. Уларнинг ҳам таркибида озонни емирувчи моддалар мавжуд, шу сабабли улар озон қатлами учун зарарли ҳисобланади. Совутиш ускуналари таркибидаги фреонлар ҳам озон қатлами учун жуда хавфлидир.

Бугунги кунда бутун жаҳон бўйлаб озон қатламини ҳимоя қилиш учун жами 196 мамлакатлар ўртасида шартнома имзоланди. Бу шартнома Монреаль протоколи деб номланади. Монреаль протоколи бўйича, мамлакатлар ўртасида озон қатламини емирувчи бирикмаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишга чек қўйишга келишилди. Бугунги кунда дунё миқёсида бу борада самарали ишлар амалга оширилмоқда. Соҳа мутахассисларининг фикрича, агар Монреаль протоколи бўлмаганида 2050 йилга бориб атмосферада озонни емирувчи моддаларнинг миқдори 10 баробарга ортарди. Бу эса тери саратони билан оғриган беморларнинг сонини 20 миллионга, кўз катарактаси билан оғриган беморларнинг сонини эса 130 миллионга етказарди.

Монреаль Протоколи қабул қилингандан кейин қатнашувчи мамлакатлар совутгичлар ишлаб чиқаришда озонга зарарли фреонлардан воз кечиш йўлини танладилар. Масалан, ривожланган мамлакатлар электр энергиясини тежайдиган совутгичларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Сиз ҳам нафас олаётган ҳавонгиз тоза бўлсин десангиз, ҳовлингизда кўчат, уйингизда гул ўстиринг. Кўпроқ велосипедда юринг. Бу билан сиз соғлом бўлиш билан бирга велосипед зарарли газлар чиқармаслиги боис озон қатлами емирилишининг бир оз бўлса-да, олдини олишга эришасиз.

Турмуш ҳаётингизда озонни емирувчи моддалардан фойдаланишга чек қўйинг. Таркибида хлор, фтор, углерод мавжуд бўлган моддали пуркагичлардан фойдаланманг. Харид қилаётган нарсаларингиз озон қатлами ва иқлимга зиён етказмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун сотиб олаётган маҳсулотларнинг ёрлиқларини синчиклаб текширинг.

***Ҳар йили ҳар бир ташкилот ва корхона ўзининг табиатга етказиладиган зарарини камайтириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқади.***

# БАРЧА ВАЗИРЛИК, МУАССАСА, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бу тадбирларни амалга оширишда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг маҳаллий жамғарма маблағларидан ҳам маблағ ажратилади. Бинобарин, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси 2014 йилги илмий-тадқиқот, меъёрий-услубий ишлар, ташкилий ва табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари дастурини шакллантириши тўғрисида маълум қилади.

Дастурни шакллантиришда қатнашишни хоҳлаган, қизиққан барча ташкилот, корхона, муассасалар ва шахсларни дастурда ўзларининг иш лойиҳалари билан иштирок этишлари учун таклиф этади. Таклифлар 2013 йилнинг 1 октябригача қабул қилинади.

Барча лойиҳалар танлов асосида кўриб чиқилади. Қизиққанлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

1. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси номига таклиф қилаётган ишнинг номи кўрсатилган ҳолда расмий хат (заявка) ёзилади.

2. Таклиф этилаётган иш лойиҳаси қуйидаги маълумотларни қамраб олиши керак:
- Лойиҳанинг тўлиқ номи;
- Лойиҳанинг тури (фундаментал ва ҳ.к.);
- Лойиҳанинг қисқача мазмуни, унинг асосланиши, мақсади, унинг табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Тошкент шаҳар аҳолисининг истиқомат қилишига қулай шарт-шароитлар бўйича экологик тузилмаси (3-4 варақ);
- Лойиҳанинг бажарилиши муддати (йил, ой, санаси);
- Лойиҳанинг бажарилиши календарь режаси;
- Лойиҳанинг бажарилиши учун техникавий топшириқ;
- Лойиҳанинг кутилаётган экологик ва иқтисодий самарадорлиги (0,5 варақ);
- Лойиҳанинг бажарилиши тасдиқланган харажатлари (калькуляцияси).

3. Бажарувчи ташкилотнинг реквизитлари (манзили, телефон рақамлари ва электрон манзили)

4. Лойиҳа ижро гуруҳи раҳбарининг фамилияси ва исми-шарифи, унинг анкета маълумотлари (туғилган йили, эгаллаб турган лавозими, илмий унвони, турар манзили, иш ва уй телефон рақамлари, электрон манзили), ижрочи гуруҳнинг сони ва таркиби.

5. Лойиҳанинг амалга оширилиши жараёнида бошқа ташкилот қатнашиши кўзда тутилса, унинг номи, манзили ва лойиҳага дахлдорлиги тўғрисида қисқача маълумот.

6. Иш бўйича (агар бўлса) тегишли муассаса, ташкилотлар тақризлари.

Кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаса, лойиҳа бўйича таклифлар комиссия томонидан кўрилмайди.

Тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди ва ўтказилган танловлар натижаси апелляцияга тааллуқли эмас.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фақат Дастурга киритилган ишлар юзасидан хабар беради.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 271-21-57, 277-13-28

Таклифлар қуйидаги манзилга юборилсин: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 7, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

## Қадриятларимиз

# ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ

***Халқимиз қадимда деҳқончиликни улуғлаш, эъзозлаш мақсадида Наврўзни нафақат йил боши — баҳорда ўтказганлар, балки унинг давоми сифатида кузда ҳам Меҳржонни нишонлаганлар.***

Марказий Осиёнинг буюк алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли ниҳоятда қимматли асарида Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, Наврўз ва Меҳржон ҳам заминнинг икки кўзидир, деб ёзган эди.

Беруний баҳор билан кузда кун ва туннинг икки марта тенг келишини таъкидлайди, демак, Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси нишонланса, Меҳржон 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кундан бошланади. Милоддан олдинги (1-минг йилликлар бошида) бундай кузги байрамлар турли жойларда, масалан, Эронда ва бошқа жойларда «Меҳржон» (ёки «Меҳргон»), кўҳна Хоразмда — «Чириуж», Сўғдда эса «Ним-сарда» номи билан машҳур бўлган.

Маълумки, барча диққатга сазовор ҳодисаларнинг яхши ниятлар билан бошланиши ва муваффақиятли якунланиши байрам кайфиятини тақозо этади. Агар табиат уйғониши, далаларда иш бошланиши Наврўз (йил боши) сифатида тантана қилинган бўлса, мева-чеваларнинг шакар-шарбатларга тўлиши, етилиши, ўсимлик дунёсининг ўсишдан тўхтаб, «уйқуга кетиши» арафасида меҳнат мавсуми якунига етаётганлигини Меҳржон (ҳосил, ҳаёт байрами) шаклида нишонлашган. Эронликлар одатига кўра «Меҳргон куни бироз анор еб, гул суви ҳидлаган кишидан кўп офатлар даф этилади», дея тушунилган. Беруний, «Бир гуруҳ одамлар борки, Наврўзни оламнинг бошланиши десалар, иккинчи гуруҳ одамлар кузни ортиқ билганидек, улар Меҳржонни Наврўздан ортиқ билганлар. Бу исботлашда Искандар Арастудан, ушбу икки куннинг қайсиси афзал деб сўраганида Арасту «Эй подшоҳ, баҳорда ҳашаротлар пайдо бўла бошлайди, кузда эса улар йўқолиб кетади. Демак, шу жиҳатдан куз (баҳордан) афзал», дея тушунча беради. Бу айёмлар шунчаки ўйлаб топилмаган, балки улар коинот, табиат қонуниятлари, Қуёш ва Ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Негаки, Наврўз баҳорги куну-тун тенглигини қайд қилса, Меҳржон куздаги ўша ҳолатдан нишона берган. Меҳржон бир томондан, коинот ва ерга жон ато этиб турган Қуёшни қадрлашга, ўз нури ва ҳарорати билан неъматлар етказишга берган ёрдами учун миннатдорчилик билдиришга имкон яратган бўлса, иккинчидан, барчани қиш ғамини ейишга ундаган.

Ота-боболаримиз Меҳржон кунларида дала ва боғларга узум ва қовун сайилларига чиққанлар, қавм-қариндошлар бир-бирларини йўқлаганлар бир-бирларига эҳсонлар ҳадя этганлар, қарияларга совға-саломлар олиб борганлар, қишлик озуқаларини ғамлашга киришганлар, уй-жойларини қишга тайёрлаганлар, қабристонларни зиёрат этганлар, хас-чўпдан тозалаганлар, нураганларини суваганлар, ўтганлар ёдга олинган. Бозорларда, сайилгоҳларда олтин куз неъматлари савдоси ташкил этилган, кўчқор ва бедана, хўроз уриштиришлар, полвонларнинг чиқишлари, аскиябозликлар жуда ривож топган эди.

Меҳржон она заминнинг саховати, инсонга мурувввати демакдир. Куз фаслининг ҳикматлари кўп. Олтин кузни донишмандлик фасли, етуклик фасли, шукроналик ва саховат фасли деймиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Наврўз табиат ва инсоннинг болаликдан ўспиринликка ўтиши — йигитликнинг бошланиши бўлса, Меҳржон — ана шу ёшликнинг куч-қувватга тўлиши, ақл-заковатда вояга етиб камол касб этиши, сахий ва мурувватли бўлишидир.

**Билол АМИНОВ,**
**элшунос олим**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 22 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Шайхонтоҳур туман Суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2012 йил 22 октябрь кунги 1-3280/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Боғ кўчаси, 34-уйда жойлашган, умумий майдони 443,0 м.кв. яшаш хоналари 6 та бўлган, уй-жой савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 39 000 000 сўм.

II. Сергели тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг 2010 йил 20 ноябрь кунги 1-8056/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Шарқ мавзеси, 21-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 58,21 м.кв. бўлган 2 яшаш хонали уй-жой савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 46 800 000 сўм.

2013 йил 15 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Яккасарой туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2011 йил 20 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3 781,0 м.кв., фойдали майдони 5 717,0 м.кв. бўлган, 4-қаватли, ертўлали нотурар жой биноси савдога қўйилган. Бошланғич нархи – 1 148 884 921 сўм.

II. Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

1. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2012 йил 1 июндаги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 м.кв., фойдаланиш майдони 115,24 м.кв. бўлган, 1 қаватли, 3 та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич нархи – 183 892 450 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 31 майдаги 1-32/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-1 мавзеси, 23 «А»-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 47,22 м.кв. бўлган, 2 та яшаш хонали уй-жой. Бошланғич нархи – 38 109 250 сўм.

3. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2012 йил 20 февралдаги 2-124-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 177-уйининг 1/4 қисмида жойлашган, умумий майдони 317 м.кв., фойдаланиш майдони 133,07 м.кв., бўлган икки қаватли, 5 та яшаш хонадан иборат уй-жой. Бошланғич нархи – 233 779 924 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйининг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 м.кв. бўлган, 24-сонли автомобилларни қўйиш жойи. Бошланғич нархи – 42 470 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдоларга Ҳамза туман СИБ томонидан** ЖИБ Ҳамза туман судининг 26.12.2011 йилдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**I.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё Ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат бўлган бино. **Бошланғич баҳоси – 1 859 800 000 сўм.**

**II.** Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шоҳимардон кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м бўлган, 1 қаватли 4 та бино, 1 та иншоот ва 1 ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк. **Бошланғич баҳоси – 1 714 061 000 сўм.**

**Савдо 2013 йил 11 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 9 октябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

Олмазор туманидаги «Агрегат-Автокомплект» шўъба корхонаси ўз номини «Агрегат-Автокомплект» масъулияти чекланган жамияти қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади. «Агрегат-Автокомплект» шўъба корхонасига нисбатан даъволар бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: 144-13-06

## Спорт янгиликлари

## ЁШ СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ЕВРОПАДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

***Трамполин бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари Европа мамлакатларида ўтказилган халқаро турнирларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди.***

Португалиянинг Лули шаҳрида дунёнинг 15 давлатидан ёш спортчилар иштирок этган халқаро турнирда ўн етти ёшгача ўсмирлар ўртасида батутда сакраш баҳсларида Самирбек Усмонов кумуш медални қўлга киритган бўлса, 14 ёшгача қизлар мусобақасида Фарангиз Рўзиева учинчи ўринни эгаллади.

Испаниянинг Вальядолид шаҳри мезбонлик қилган халқаро мусобақанинг батутда синхрон сакраш беллашувларида Амиран Бабаян ва Рўзимуҳаммад Ҳотамов дуэти олтин медалга сазовор бўлди. Истеъдодли спортчимиз Амиран Бабаян яккалик баҳсларида кумуш медаль билан тақдирланди.

Қизлар мусобақасида Фарангиз Рўзиеванинг чиқишлари иккинчи ўринга лойиқ топилди.





(ЎзА) олган суратлар

***Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида теннис бўйича ташкиллаштирилган халқаро турнирда мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткаси Денис Истомин муваффақиятли иштирок этмоқда.***

## ИСТОМИН — ЧОРАК ФИНАЛДА

Мукофот жамғармаси 550 минг АҚШ долларидан иборат ушбу турнирнинг иккинчи босқичида Истомин россиялик Андрей Голубев билан куч синашди. Дастлабки сетда 2:6 ҳисобида рақибига имкониятни бой берган ҳамюртимиз кейинги сетларни 6:3, 6:4 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди ва турнирнинг чорак финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди.

***Мамлакатимизнинг тоғ чанғиси бўйича энг кучли спортчилари – Артём Воронов ҳамда Ксения Григорьева 2014 йилнинг февралида Сочи шаҳрида бўлиб ўтадиган XXII қишки Олимпия ўйинларига йўлланма олди.***

## ОЛИМПИАДАНИНГ БИР ЖУФТ ЙЎЛЛАНМАСИ

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, Янги Зеландияда тоғ чанғиси бўйича ўтказилган халқаро турнирда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан кучли спортчилар «Сочи – 2014» ўйинлари йўлланмалари учун куч синашди. Ўзбекистон чемпионлари – Артём Воронов ва Ксения Григорьева олимпия лицензиясини қўлга киритди.

Жорий йилнинг бошида фигурали учиш бўйича мамлакатимиз чемпиони Миша Ге Канадада ўтган жаҳон чемпионатида энг кучли 16 нафар спортчи қаторида XXII қишки Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири**

## САРАЛАШ ТУРНИРИ БОШЛАНАДИ

***Маълумки, 15 октябрь куни Тошкентда футбол бўйича 2015 йилда Австралияда уюштириладиган Осиё чемпионатига саралаш турнири «Е» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Вьетнам терма жамоаси билан куч синашади.***

Ушбу муҳим беллашув олдидан терма жамоамиз бош мураббийси Миржалол Қосимов истеъфога чиққанлигини маълум қилганидан мухлисларнинг хабари бор албатта. Аммо, Осиё чемпионатига саралаш баҳслари арафасида Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарлари Миржалол Қосимовнинг истеъфосини рад этганликларини маълум қилишди.

Шу боис ҳам Осиё чемпионатига саралаш турнири доирасидаги баҳсларга миллий терма жамоамиз Миржалол Қосимов бош мураббийлигида тайёргарлик кўради.

***Яқинда Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан йиғилиш ўтказилди.***

## ФИНАЛ БЕЛЛАШУВИ ТОШКЕНТДА ЎТАДИ

Унда жорий йилда уюштириладиган Ўзбекистон Кубоги финал учрашувининг ўтказилиш жойи ва вақтига аниқлик киритилди.

Мамлакатимиз футболи мутасаддиларининг қарорига кўра Ўзбекистон Кубогининг финал учрашуви Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида 25 сентябрь куни соат 18.00 га белгиланди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Кубоги финалида Қаршининг «Насаф» ҳамда Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоалари беллашишади. Қуръага кўра «Насаф» клуби учрашувнинг расмий мезбони ҳисобланади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

## ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ САБОҚЛАРИ

***Она табиатнинг биз билган, билмаган сир ва синоатлари, кутилмаган синовлари бисёр. Шу боисданми, ҳеч бир мамлакат фавқулодда вазиятлар хуружидан тўла кафолатланмаган. Табиий офатлар турли кўринишда бўлиб, уларнинг катта-кичиги бўлмайди, у ҳеч қачон вақт, мавсум танламайди.***

Айрим мамлакатларда жазирама иссиқ ҳукм сурса, баъзи ўлкаларда кутилмаганда сел ва сув тошқинлари юз бермоқда. Ўтмишдан маълумки, ёмғир нималигини билмаган Саҳрои Кабир халқи кутилмаган қор ёғишидан азият чеккан. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, табиий офатлар – кучли зилзилалар, ер ва қор кўчкилари, сел ва сув тошқинлари каби кўнгилсиз ҳодисалар ҳам республикамиз ҳудудлари учун бегона эмас.

Дарҳақиқат, огоҳлик ва ҳушёрликда гап кўп. Шунинг учун ҳам табиий офатларга доимо шай туриш, рўй берган тақдирда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қила билиш энг қулай ва самарали усуллардан биридир. Шу боис, пойтахт фуқаролари муҳофазаси учун масъул бўлган шахсларнинг ўқуви, билими ёхуд шу соҳага оид кўникмалари мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази томонидан тингловчиларни Фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича тайёргарликдан ўтказиш машғулотлари режа асосида олиб борилмоқда.

Марказда пойтахтимиз ҳудудида жойлашган барча туман ички ишлар бошқармалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимлари профилактика инспекторларидан 90 нафари «Фуқаро муҳофазаси асослари» бўйича 14 соатлик дастур асосида тайёргарликдан ўтдилар. Тингловчилар учун фуқаро муҳофазасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, фавқулодда вазиятларнинг таснифи, оқибатларини бартараф этиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимининг мақсад ва вазифалари мавзуларига оид назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг мутасадди ходимлари томонидан олиб борилаётган ўқув машғулотлари тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

Фавқулодда вазиятлар ўчоқларида қутқарувчиларнинг ҳаракат қилиши, жабрланганларга зудлик билан ёрдам кўрсатишга мўлжалланган бошқарма Қутқарув отрядининг махсус қутқарув асбоб-ускуналари ва техникалари кўргазмаси ташкил этилиб, унда қутқарувчиларнинг мазкур техника воситалари билан ишлаш қоидалари аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида бўлиб ўтаётган деярли ҳар бир ўқув машғулотларида тингловчиларга намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 18-моддаси, «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунининг 16-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги 427-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг буйруғи ижросини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш ишларининг Тошкент шаҳри ҳудудидаги корхона, муассаса, ташкилотларда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш режаларини қайта кўриб чиқиш мақсадида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида ўқув машғулотларини сифатли ва тўлақонли ўтказиш, тингловчиларни ўқув-услубий адабиётлар ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш мақсадида фуқаро муҳофазасига оид турли мавзуларда қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўқув машғулотлари бошқарма масъул малакали офицерлари ва марказ ўқитувчилари томонидан олиб борилмоқда. Бошқарма офицерлари подполковниклар – Элдор Орипов, Иззатилла Акбаров, Ҳусан Бобонов, катта лейтенант Элёр Аҳмадалиев ва хизматчилар – Уммат Сувонов, Бахтиёр Мирзаевлар томонидан олиб борилаётган ўқув машғулотлари назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синовдан ўтказилиб, машғулотлар қизиқарли баҳс-мунозара тарзида ташкил этилмоқда. Машғулотлар якунида тингловчиларга гувоҳномалар топшириляпти.

– Аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш асосий бурчимиз, муқаддас вазифамиздир, – дейди Учтепа тумани, Ҳожиобод маҳалласи ҳудудида жойлашган 15-сонли МТП участка нозири капитан Отабек Жабборов. – Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказида икки кун давом этган машғулотлар давомида биз тингловчилар 14 соатлик дастур асосида муайян кўникмалар ҳосил қилдик. Энг муҳими, тингловчилар фавқулодда вазиятлар чоғида қандай ҳаракат қилиш зарурлигини, эвакуация тадбирлари ва фуқаро муҳофазасининг айрим усуллари хусусида маълумотларга эга бўлишди.

Бошқарма ходимлари жойларга ҳам чиқиб, машғулотлар олиб боришда, маҳаллаларда фуқаро муҳофазаси маслаҳатхоналарини ташкил қилишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Хусусан, пойтахтнинг кўпгина туманларида ўтказилган мажмуавий текширувлар давомида барча маҳаллаларнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш режалари ишлаб чиқилиб, бошқарма бошлиғи томонидан келишилди ҳамда фуқаро муҳофазаси маслаҳатхоналари ташкил этилди.

Ҳар бир машғулотда маҳаллада истиқомат қилувчи қариялар, ёш болали аёллар ва маҳалла болаларидан иборат аҳоли участка нозирлари иштирокида қатнашмоқда. Шу билан бир қаторда Фуқаро муҳофазаси бурчаклари ва маслаҳатхоналарни ташкил қилишда маҳаллалар билан ҳамкорликдаги ишлар давом этмоқда.

**Азамат СУЮНОВ, журналист**


## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### *Табиий газдан фойдаланувчилар диққатига!*

2013 йил 1 октябрдан табиий газ учун аввал тасдиқланган тарифлар (2013 йил 15 мартда тасдиқланган 19-03-22-05-РУз-22-2013 сонли реестр) ўрнига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 16 сентябрь 2013 йилда тасдиқланган №19-03-22-05-РУз-114-2013 реестрига асосан янги тарифлар жорий қилинади.

Умумий кўрсатмалар

**1.** Ушбу Нархнома тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аҳолига бериладиган табиий газга тааллуқли.

**2.** Аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни якка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш газ асбобидан қатъи назар, иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ойма-ой тенг миқдорда белгиланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кўп ёки кам белгиланса, фойдаланилган табиий газ ҳақи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

**3.** Истеъмолчида икки ёки ундан ортиқ газ плиталари ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситгичлар мавжуд бўлса, ушбу газ асбоблари учун газ сарфи меъёри икки ёки ундан ортиқ бараварга оширилади.

**4.** Хонадонига газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли томонидан фойдаланилган газ учун тўлов газ ҳисоблагичлар кўрсатгичи ва ушбу нархномада кўрсатилган тариф бўйича амалга оширилади.

**5.** Табиий газдан фойдаланиш учун тўлов миқдорларини белгилашда хонадонда барча яшовчилар, шу жумладан вақтинча яшовчилар ҳам ҳисобга олинади.

**6.** Иситиладиган хоналарга иситиш асбоби (иситиш юзаси жойлашган) жойдан қатъи назар барча фойдали майдон киради: хоналар, ванналар, ошхоналар, ушбу иситиладиган майдондан ташқари (айвонлар, деразали балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар).

**7.** Нархноманинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига бериладиган табиий газ сарфи меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Иситиладиган майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Иситиладиган хонанинг меъёрий ҳажмини (бир кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳажми учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори ҳажми учун тўлов эса газ ҳақининг бир ярим баравари ҳисобида амалга оширилади.

**8.** Табиий газдан иссиқхоналар, алоҳида (автоном) сув иситгичлар ва иситиш қозонлари учун фойдаланилса, шунингдек, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирлар, овқат пишириш қозонлари учун фойдаланилса, табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Агарда, газ ҳисоблагич бўлмаса, сарфланган табиий газ ҳажми газ асбобининг тўла (максимал) қувватда (24 соат) ишлайдиган иш тартиби ва шартнома билан белгиланган иситиш даври бўйича аниқланади.

**9.** Ушбу Нархноманинг «Умумий кўрсатмалари» келгусидаги барча қўшимча нархномаларга тааллуқли, агарда қўшимча кўрсатмаларда бўлак ҳолатлар баён қилинмаган бўлса.

1.Табиий газдан фойдаланишга аҳоли учун белгиланган тарифлар:

| № | Истеъмолчилар турлари | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли хонадонларига етказиб бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | 10 метр куб | 1 517,40 |
| 1.2 | Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | -//- | 10 метр куб | 2 624,15 |
| | Иситиш учун | -//- | 10 метр куб | 1 216,95 |

2.Коммунал маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

| № | Истеъмолчилар тавсифномаси | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўлов (сўм) | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Йиллик | ойлик |
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси | 1 кишига 11 метр куб | 34 638,60 | 2 886,55 |
| 2.2 | Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси | 1 кишига 15 метр куб | 47 235,00 | 3 936,25 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти- вақти билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун сув иситгич | 1 кишига 16 метр куб | 50 383,80 | 4 198,65 |
| 2.4 | Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар якка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан йил мобайнида бир маромда фойдаланиш | Хонанинг 1 метр кубга 5,76 метр куб | 3 504,75 | 700,95 |

**Эслатма: Аҳоли газ истеъмолчилари томонидан 2013 йил 1 октябргача сарфланган газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2013 йилнинг 10 октябригача эски тариф (10 м. куб — 1398,00 сўм) ҳисобида олинади. 2013 йилнинг 1 октябридан бошлаб сарфланган газ ҳақи янги тариф бўйича амалга оширилади.**

**Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи:**

2013 йил 1 октябрдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-РУз-113-2013

| | Ўлчов бирлиги | Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм) |
|---|---|---|
| Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи | 1000 м.куб | 151 740 |

**Иссиқлик манбаи корхоналари учун табиий газ нархи:**

2013 йил 1 октябрдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-РУз-113-2013

| | Ўлчов бирлиги | Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм) |
|---|---|---|
| «Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нархи | 1000 м. куб | 151 740 |

«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент оқшоми» газетасининг 2013 йил 5 сентябрь кунги 180-сонида чоп этилган хабарномага қуйидагича ўзгартириш киритилмоқда: 2013 йил 8 октябрь кунги аукцион савдосини ўтказиш санаси 2013 йил 24 октябрь деб ўқилсин, 2013 йил 24 сентябрь кунги аукцион савдосини ўтказиш санасини эса 2013 йил 9 октябрь деб ўқилсин.

***«Agro sanoat Mulk Markazi» маъмурияти.***


**ЎЗГИДРОМЕТ** UZHYMET ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 сентябрь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 15-17, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 сентябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 941

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8841 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.55

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5